

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2021 йил 3 сон**

**Бош муҳаррир:** Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

**Масъул муҳаррир:** Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

**Масъул муҳаррир ўринбосари:** Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиги Р.Жалалов

### **ТАҲРИРҲАЙЪАТИ**

**Физика-математика фанлари:** акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов, ф-м.ф.д., доц. Р.Хақимов, ф-м.ф.д. М.Рахматуллаев.

**Кимё фанлари:** акад.С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф.Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

**Биология фанлари:** акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц.А.Баташов, б.ф.н.

**Техника фанлари:** - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

**Қишлоқ хўжалиги фанлари:** – г.ф.д., доц. Б.Камалов, қ-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

**Тарих фанлари:** – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

**Иқтисодиёт фанлари:** – и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.

**Фалсафа фанлари:** – акад., Ж.Бозорбоев, ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

**Филология фанлари:** – акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф.С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова. фил.ф.д.,проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н, доц.М. Сулаймонов.

**География фанлари:** - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф.А.Нигматов.

**Педагогика фанлари:** - п.ф.д., проф. У.Иноятов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев, PhD П.Лутфуллаев.

**Тиббиёт фанлари:** – б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

**Психология фанлари** – п.ф.д.,проф З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

**Техник муҳаррирлар:** **Н.Юсупов, Г.Акмалжонова**

**Таҳририят манзили:** Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

**Тел:** (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** [ilmiy@inbox.uz](mailto:ilmiy@inbox.uz)

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий наشرлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 11.03.2021 йилдаги кенгайтирилган йигилишида муҳокама қилиниб,

илмий тўплам сифатида чоп этишга рухсат этилган (Баённома № 3). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ-2021**

11.00.00

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ  
ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ НАУКИ  
GEOGRAPHICAL SCIENCES**

**ЯЙЛОВ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХУДУДИЙ  
ЖИХАТЛАРИ**

Умурзақова Умида Носиржоновна

Наманган давлат университети

Экология кафедраси ўқитувчиси

Тел: 99 463 52 27 e-mail: [umidaumurzakova1980@mail.ru](mailto:umidaumurzakova1980@mail.ru)

*Аннотация:* Мақолада Наманган вилояти яйловлари тақсимоти ва чорвачилигининг узоқ йиллик ривожланиш кўрсаткичлари баҳоланган. Вилоятда чорвачилик маҳсулотларини этиштиришни киши бошига медицина нормалари асосида ҳисоблаб чиқилган.

*Калит сўзлар:* яйлов, чорвачилик, чорва маҳсулотлари, депрессия, табиий ўғит.

**ТЕРРИТОРИАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ РАЗВИТИЯ ПОСТБИЦ И  
ЖИВОТНОВОДСТВА**

Умурзақова Умида Носиржоновна

Наманганский государственный университет

Преподаватель кафедры экологии

Тел: 99 463 52 27 e-mail: [umidaumurzakova1980@mail.ru](mailto:umidaumurzakova1980@mail.ru)

*Аннотация:* В статье дана оценка распределения постбиц и долгосрочного развития животноводства в Наманганской области. Производство животноводческой продукции в области рассчитывается исходя и медицинских норм на душу населения.

*Ключевые слова:* постбица, животноводство, продукты животноводства, депрессия, природные удобрения.

**TERRITORIAL ASPECTS OF PASTURE AND LIVESTOCK DEVELOPMENT**

Umurzoqova Umida Nosirjonovna

Namangan State University

Lecturer at the Department of Ecology

Tel: 99 463 52 27 e-mail: [umidaumurzakova1980@mail.ru](mailto:umidaumurzakova1980@mail.ru)

*Abstract:* The article provides an assessment of the distribution of pastures and the long-term development of animal husbandry in the Namangan region. Livestock production in the region is calculated on the basis of medical standards per capita.

*Key words:* pasture, animal husbandry, animal products, degradation, natural fertilizers.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 майда ЎРҚ-538-сон «Яйловлар тўғрисида»ги Қонуни мамлакатдаги биринчи бор яйловларни муҳофаза қилувчи қонун ҳисобланади. Бу қонун яйловчиликда ислохотларни янада чуқирлаштиришга

қаратилган тадбирларнинг самарали тизимини яратишда муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, “Яйловлар чорва моллари учун озуқа бўлган ўсимликларнинг табиий қопламга эга бўлган ерлардир”[1].

Мамлакатимиз худудининг катта қисмини яйлов ва пичанзорлар эгаллаган бўлиб, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маълумотида кўра Ўзбекистонда яйлов майдонлари 20,8-22,5 млн гектарни ташкил этади. Шундан, 15-18 млн га чўл яйловлари, 3-5 млн га тоғ олди ва 1 млн га баланд тоғ яйловларидан иборат[2].

1-жадвал

Наманган вилояти яйловларининг тақсимланиши (га)

т/р	Вилоят, туманларнинг номи	Умумий ер майдони	Шундан суғориладигани
1	Косонсой	2801	194
2	Мингбулоқ	847	847
3	Наманган	2002	2002
4	Норин	0	0
5	Поп	23500	23500
6	Тўрақўрғон	1995	1995
7	Уйчи	0	0
8	Учқўрғон	0	0
9	Чортоқ	6268	6268
10	Чуст	3086	3086
11	Янгиқўрғон	7723	7723
12	Наманган шаҳар	62	62
13	Жами	48284	45677
<i>Наманган вилояти ер ресурслари ва кадастр бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди</i>			


Наманган вилоятида ҳам қишлоқ хўжалиги майдонларининг сезиларли қисмини яйловлар эгаллаган (1-жадвал). Бу яйловлар аҳолиси сон жиҳатдан ўсиб турган минтақада гўшт ва сут маҳсулотларини ривожлантириш учун асосий озуқа базаси бўлиб ҳисобланади. 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра яйловларнинг умумий майдони 48284 гектар бўлгани ҳолда, шундан сув билан таъминланган яйловлар 45677 гектарни ташкил қилади.

Наманган вилояти яйловлари табиий шароитига кўра асосан вилоятнинг шимолий қисмида жойлашган тепалик - текислик ва тоғолди - тоғ минтақасида кенг тарқалган бўлиб, денгиз сатҳидан 600 м баландликдан бошланади. Улар яйловлар умумий майдонининг 90 фоизини ташкил қилади. Адир минтақасининг яйловлари асосан қузги ва баҳорги яйловлар ҳисобланади. Тоғ ва тоғолди минтақасининг яйловлари Чотқол ва Қурама тизмаларининг ёнбағирларида ва Ангрэн платода денгиз сатҳидан 1000 м баландликдан юқорида жойлашган [3]. Бу ерлар қорамол боқиш, ем-хашак ишлаб чиқариш ва чорвачиликни ривожлантириш учун асосий озуқа базаси бўлиб ҳисобланади.


Наманган вилоятида чорвачиликнинг ривожланиши 1-расмда берилган бўлиб, соҳанинг ривожланиши қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларига нисбатан жадалроқ тараққий этганини кўрсатиб турибди. Масалан, қорамол сони 1987 йилга нисбатан

2016 йилда қарийб 3 баробар, қўй ва эчкичилик сони 2 баробарга кўпайган. Паррандалар сони 1971-76 йилларда 9-10 минг бош атрофида бўлган бўлса, 2017-18 йилларда 4,8-5 миллион бошни ташкил этган. Қолган чорва маҳсулотларида ҳам ўсиш юқори. Шу билан бир қаторда, бу давр ичида вилоят аҳолисининг сони ҳам жадал ортиб бориб, 1 млн 379 минг кишидан 2 млн 699 минг кишига етди.

Худуднинг чекланган ер-сув ресурслари ва аҳолининг сон жиҳатдан ортиб бориши яйловлар ва чорва экинлари майдонларининг маҳсулдорлигини ошириш ёки ушлаб туриш бўйича тизимли муносабатни тақозо этади.







**1-расм. Наманган вилояти чорвачилигининг 1971-2016 йиллардаги ривожланиш кўрсаткичлари [4,5].**

Наманган вилояти аҳолиси 2019 йил 1 январ ҳолатига 2752,7 киши бўлиб, Ўлка медицина институтини (ЎМИ) озик-овқат йиллик нормаси меъёри бўйича киши бошига ҳисобланганда, дон маҳсулотлари қарийб икки баробар кўп экилади ва кўп истеъмол қилинади. Сабзавот, полиз, мева ва узумни қарийб икки баробар кўп етиштириб, сезиларли қисмини экспорт қилинмоқда. Аммо гўшт, сут ва тухум етиштириш вилоят аҳолиси талабидан анча паст. Мисол учун, 2018 йил вилоятда етиштирилган гўшт маҳсулоти киши бошига 52 кг бўлгани ҳолда, медицина нуқтаи назаридан бу кўрсаткич 80 кг этиб белгиланган. Шунингдек, тухум етиштириш 552,6 млн дона бўлиб, киши бошига ҳисоблаганда 200 дондан тўғри келади ва бу медицина нормасидан 50 та кам. Сут маҳсулотини етиштиришнинг шу йилдаги кўрсаткичи 678,3 минг тоннани ташкил этиб, киши бошига 244 кг бўлиб, нормадан 116 кг кам.

Таъкидланганидек, Наманган вилоятида яйлов ва чорвачилик соҳасининг ривожланишида сезиларли натижаларга эришилган. Аммо, аҳолини чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаби доимий равишда етарли бўлмаган. Қолаверса, узоқ йиллар давомида пахта-ғалла экинлари 1:1 нисбатда етиштирилиши озуқабоп экин майдонларининг камайишига сабаб бўлди. Бунинг натижасида яйловлардан жадал фойдаланиш унинг дегрессиясига олиб келди.

Юқоридагилар асосида қуйидагиларни хулосалаш мумкин;

Яйловларни бошқариш, тиклаш, муҳофаза қилиш, унумдорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқот ишларини амалиётга бевосита тадбиқ этиш керак.

Экин майдонларининг катта қисмини чорва учун озуқа етиштириш учун ажратиш орқали яйловларга антропоген босимни камайтиришимиз ва чорвачиликни ривожлантиришимиз мумкин. Қолаверса бу келгусида экин далаларимизни табиий ўғит билан таъминлашга имкон яратади.

Чорвачилик маҳсулотлари таъминотининг сустигини ҳозирги кунларда чорва озуқаси нархининг жуда баландлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Шунинг учун дон

маҳсулотларини етиштиришда чорвачиликнинг ҳам талабини қондиришга катта эътибор қаратиш лозим.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Яйлов тўғрисида”ги Қонуни. 2019 йил 20 май. [lex.uz>docs/4344714](http://lex.uz/docs/4344714)
2. Ғофурова Л.А., Абдурахмонов Т.А., Жабборов З.А., Саидова М.Э., Тупроқлар деградацияси. Ўқув қўлланма. – 2012 - 218 б.
3. Абдуллаев О. Наманган вилояти (табиати, аҳолиси, хўжалиги). Наманган. 2008.- 147 б.
4. Народное хозяйство Узбекистана в 1987 г. Статистический ежегодник. – Т.: Узбекистан, 1988.- 343 с.
5. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Т.: 2019. - 240 б.

	Абдувахабова М.А. ....	359
68	Баҳо семантик категория сифатида Рахматова М.М. ....	364
69	“Бобурнома” сюжети ва композициясида аёллар образининг ўрни Қозақова С. ....	370
70	Diachronic study of terminology “Architecture”. Saloydinova N.Sh. ....	374
71	Лингвистик базани тузишда модуллаштиришнинг аҳамияти Тоирова Г.И. ....	377
72	Аския ва унинг жанр табиати Холбутаев Г.О. ....	386
73	Адабиётшуносликда “поэтика” тушунчаси ва масалага оид назарий қарашлар шарҳи Хажиева Ф.М. ....	390
74	Iqtisodiy xabar va yangiliklarni ommaga yetkazishda metaforalarning o`rni Хауруллаяева Н.Н. ....	395
75	Шукур Холмирзаевнинг услуб маҳорати Ҳамидова М.О. ....	400

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ**

**11.00.00**

**ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ НАУКИ**

**GEOGRAPHICAL SCIENCES**

76	Яйлов ва чорвачиликни ривожлантиришнинг ҳудудий жиҳатлари Умурзақова У.Н. ....	406
----	---	-----

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

**13.00.00**

**ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ**

**PEDAGOGICAL SCIENCES**

77	Бўлажак чет тил ўқитувчиларининг дискурсив компетенциясини шакллантириш музмуни Мамадалиев Э.А. ....	411
78	Talaba hayotidagi jismoniy tarbiya Abduvositov S., Jumaev K. ....	415
79	Ta`lim jarayonida axborot texnologiyalardan foydalanishning samaradorligi Ixxomjon A.T., Tojimatov I.N. ....	418
80	The role of independent study skills in the development of sociolinguistic competence of future english teachers Sarimsakova D.M. ....	421